ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 147 (10.452) / 2005 ЙИЛ 29 ИЮЛЬ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июль куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Марк Перрен де Бришамбони қабул қилди.**

Франция Мудофаа вазирлигида сиёсий маслаҳатчи лавозимида фаолият кўрсатиб келган бу дипломат ўтган ойнинг бошида ЕХҲТ Бош котиби этиб тайинланди. У Франциянинг ЕХҲТдаги элчиси вазифасида ҳам ишлаган.

Мамлакатимиз раҳбари Марк де Бришамбони янги лавозимга тайинланиши муносабати билан қутлади. Бош котибнинг Ўзбекистонга ташрифи нафақат унинг ўзи, балки бутун ЕХҲТ раҳбариятининг мамлакатимиз ва минтақамиз билан яқинроқ танишиши учун қулай имконият яратишини таъкидлади.

Маълумки, ЕХҲТнинг амалдаги раиси ҳар йили ўзгариб туради. Раис ташкилотга аъзо мамлакатлар бўйлаб сафар доирасида Ўзбекистонда ҳам бўлади ва ҳар сафар уни бу ердаги вазият билан батафсил таништиришга тўғри келади. Шу тариқа бевосита амалий ҳамкорликдан кўра мулоқотларга кўп вақт сарфланади. Бу эса ташкилотни мавжуд воқеликка мослаштириш зарурати борлигидан яна бир далолат.

Ўзбекистон ЕХҲТга 1992 йилнинг январидан аъзо. Тошкентда унинг маркази фаолият юритиб келмоқда. Мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик уч асосий - ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсоний йўналишга эга.

Сўнгги вақтларда ЕХҲТ чегаралар хавфсизлигини таъминлашга, қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши курашга, террорчиликни молиялаштиришнинг олдини олишга доир лойиҳаларга, суд-ҳуқуқ тизими идоралари ходимлари ва чегарачиларни ўқитишга, қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам кўрсатишга оид масалаларга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимизда ЕХҲТ билан иқтисодий-экологик ҳамкорлик доирасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аёллар ва ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини ҳосил қилиш, сайёҳликни ривожлантиришга оид лойиҳалар, шунингдек, «Маҳалла ва атроф-муҳит муҳофазаси» дастури амалга оширилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТ муносабатларига, жумладан, иқтисодиёт, экология, таълим каби соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга, хавфсизликни мустаҳкамлашда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**26-28 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Кун тартиби қабул қилинганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонини тасдиқладилар.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов маъруза қилди. Савол-жавоблар ва атрофлича муҳокамадан кейин қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Қ.Тошматов «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Муҳокама чоғида тушган таклифлар ва билдирилган мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг раиси И.Кочмарик ахборот берди. Ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш давомида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари қонун лойиҳасидаги қоидалар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар. Савол-жавоблар, депутатларнинг таклифлари ва мулоҳазалари кенг ҳамда атрофлича муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти лойиҳасини учинчи ўқишда тақдим этди. Депутатлар Регламент лойиҳасини такомиллаштиришга доир барча таклиф ва мулоҳазаларни атрофлича муҳокама қилиб, мазкур ҳужжатни узил-кесил таҳрирда қабул қилдилар.

## ЕХҲТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Марк Перрен де Бришамбо раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида мамлакатимиз парламенти билан ушбу ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди.

ЕХҲТ делегацияси аъзолари, шунингдек, Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан музокара ўтказди. Учрашувларда меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, Омбудсман институти фаолияти билан таништирилди.

(ЎзА)

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **СОБИР** Раҳимов туман ҳокимлигида туман фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **МАКТАБЛАРНИ** янги ўқув йилига ҳозирлаш ишларининг сўнгги босқичи якунланмоқда. Куни кеча Миробод туманидаги 60-мактаб бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланди.

● **БУГУН** Бобур маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбати «Қиз бола — юрт кўзгуси» деб номланди.

● **КЕЧА** Юнус Ражабий, Бобур маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши, Тошкент Давлат педагогика университети ҳамкорликларида беморга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш амалиёти бўйича уюштирилган машғулотларда ёшлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза номли маҳаллада «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман Кенгаши ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабалари ҳамкорликларида маҳалла аҳли учун концерт уюштирилди.

● **КЕЧА** «Тепа» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига бағишланди.

● **ХАЛҚ** таълими вазирлигига қарашли Республика таълим марказида бўлиб ўтган йиғилишда мактаб ўқувчилари учун нашриётлар томонидан чоп этилаётган ўқув дарсликларининг сифати ҳамда ушбу қўлланмаларни ҳар бир ўқувчига етарли қилиб етказиб бериш масаласи муҳокама қилинди.

● **КЕЧА** Шароф Рашидов маҳалласида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ҳамда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти талабалари ҳамкорликларида кўчма оммавий спорт мусобақалари ўтказилди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган кўчма оммавий спорт ўйинларида «Минор», «Турон», «Қашқар» маҳаллалари жамоалари беллашди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

### Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **КЕЧА пойтахтда Тошкент шаҳрини жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари муҳокама қилинди. Йиғилишда асосий эътибор Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга йўналтирилган Фармонлари ва Қарори ижросини таъминлаш борасида барча даражадаги раҳбарларнинг масъулиятини ошириш зарурлигига қаратилди. Йиғилишни шаҳар ҳокими А.Тўхтаев олиб борди.**

● **Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё вилоят ҳокимликларида ҳам жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.**

● **«ЭКОСАН» халқаро ташкилотида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология меъёрларини татбиқ этиш, чиқиндиларни ташиш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

● **Наманган вилояти, Поп туманидаги Яккатут қишлоғида лойиҳа қиймати 78 миллион сўмга тенг қишлоқ врачлик пунктининг қурилиши якунланмоқда. Ушбу объект Мустақиллик байрамининг 14 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.**

● **Бухорода «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан «Йўл бўлсин» фильмини суратга олиш ишлари бошлаб юборилди.**

### Жаҳонда

● **Пекинда бўлиб ўтаётган Шимолий Корея ядровий дастурлари доирасидаги олти томонлама учрашувлар давомида КХДР раҳбарияти агар АҚШ ўз муносабатини яхшиласа ядро қуролидан воз кечишга тайёр эканлигини билдирди.**

● **Болгария социалистик партиясининг етакчиси Сергей Станишев мамлакат Бош вазири этиб сайланди.**

● **Лондон шаҳри атрофидаги Лутон шаҳарчасидаги автомобиль юкхонасидан 12 та кучли бомба ва 4 та детонатор топилди. Полициянинг фикрича, автомобиль террорчи-камикадзе томонидан ижарага олинган бўлиб, ундан янги террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланиш режалаштирилган.**

● **Шу кунларда Ҳиндистонда ёғаётган кучли муссон ёмғирлари йирик талофатларни келтириб чиқармоқда. Дастлабки маълумотларга кўра ёмғирлар 418 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Табиий офат айниқса Мумбай ва Махараштра штатларига жиддий зиён етказган.**

## ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР

# КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛАДИ

**Президентимизнинг ўтган ойда эълон қилинган тадбиркорликни ривожлантиришга оид қатор Фармонлари ва Қарори мустақиллик йилларида изчиллик билан жорий этилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўзининг амалий натижаларини бераётганидан далолатдир.**

**Тадбиркорларни мамнун этган ҳужжат ҳақида изланувчанлиги, рақобатбардош маҳсулотлари билан яхши танилган, «Ташаббус» кўрик-танловининг Яккасарой туман босқичининг бош совриндори —«Mirsazava» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Баҳодир Мирҳабибов фикрларини қуйидагича изҳор этди:**

— Инсон ҳамма нарсага аввало меҳнат, қолаверса, сабру бардош билан етишмоғига имоним комил. Тадбиркорга бу хислатлар, айниқса 10 чандон кўпроқ керак. Элнинг эътиборига тушиш, обрў қозониш учун заҳматли меҳнат, уй-қусизбедор тунлар ташаббус, янгиликка интилиш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, умуман, миллий фаровонликни таъминлашдаги асосий бўғинни шакллантириш муҳим йўналиш этиб белгиланди.

Тадбиркор сифатида иш бошлаб, 1996 йилда корхонани ташкил қилдик, мақсадимиз ички бозорни сифатли, рақобатбардош электрон маҳсулотлар билан таъминлаш эди. 3-4 хил маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошлаган фаолиятимиз (ишчи-хизматчилар сони ҳам шунчани ташкил этарди) бугунги кунга келиб 60 турдан ортиқни ташкил этмоқда, ишчи-хизматчиларимизнинг сони эса 23 нафарга етди. Жорий йил охиригача жамоамиз буюртмачиларга 120 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажариш мақсадларида астойдил меҳнат қилмоқда.

Корхонамиз ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракатлари туфайли 6 ой давомида 60 миллион сўмлик маҳсулотлар республика бўйлаб мижозларга етказиб берилди. Айни кунларда жамоа аъзолари янги маҳсулот — олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар радиотармоқлари учун махсус овоз кучайтиргичлар ҳамда конференс залларга мўлжалланган кўп каналли овоз кучайтиргичлар тайёрламоқда.

Юқоридаги барча маҳсулотлар аввалари Россия давлатидан келтирилган, эътиборли томони ҳозирда бизнинг жамоамиз аҳли тайёрлаётган электрон маҳсулотлар сифати, ишлатишга қулайлиги, хизмат қилиш муддати билан улардан асло қолишмайди, устига устак таннархи нисбатан арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Режаларимиз улкан, шу кунларда республикамиз вилоятларида шохобчаларимизни очишни мўлжаллаганмиз. Хусусан, яқин кунларда Урганчда, бироз ўтгач эса Термиз шаҳрида электрон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналар иш бошлайди. Улар учун малакали соҳа ходимларини жамоа аҳли тайёрлайди. Қувонарлиси, «Mirsazava»чилар сафи 9 нафар ишчилар билан тўлдирилади, яъни йил охиригача шунча миқдорда янги иш жойлари яратишни режалаб қўйганмиз.

Демоқчиманки, ўтган ойнинг ўзида Президентимиз томонидан қабул қилинган янги Фармонлар ва Қарор тадбиркорлик ривожида, биз каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар ишининг янада юришишида катта имкониятлар яратади.

Айниқса, тадбиркорлик субъектларининг ўз ишини ривожлантириш ва кенгайтиришига яна бир имконият яратилдики, бу бюджетдан ташқари, турли хил фонд ва жамғармаларга тўловнинг сони қисқартирилиши бўлди, яъни ягона солиқ тизими жорий қилинганлиги боис ҳам солиқлар 15,2 фоиздан 13 фоизга камайди.

«Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонда эса тадбиркорларнинг билиб-билмасдан қилган хатоликлари учун бериладиган жазоларнинг юмшатилиши биз каби тадбиркорларни беҳад қувонтиргани рўйи рост. Чунки шу пайтгача биз молиявий қонунбузарликларимиз учун катта-катта жарималарга тортилган бўлсак, эндиликда субъект бир ой давомида ўз хатосини тузатса, у маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Нега деганда, баъзи бир молиявий хатоликлар, яъни бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, тадбиркорнинг бевосита айби ёки ғаразли мақсади оқибатида бўлмасдан, балки унга боғлиқ бўлмаган объектив сабаблар билан юз бериши ҳам мумкин.

Иккинчидан эса тадбиркорнинг қонунни тўлиқ ўрганмаганлиги, яъни ҳуқуқий саводсизлигимиз боис ҳам бу иш юзага келган бўлиши мумкин. Шу сабабли, бизларга бир ой муддат берилиши, бир томондан тадбиркорларнинг ҳисобларидаги маблағ тугал туришига имкон яратса, иккинчидан, бизларнинг молиявий ҳужжатларга ва қонунларга бўлган муносабатларимизни ва масъулликни оширишга ёрдам ҳам беради.

Муҳаббат **ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистонда сифат назорати халқаро тизимини жорий этиш бўйича республика дастури доирасида "Синтексус" тўқимачилик товарларини сертификациялаш марказн ўз фаолиятини бошлади.**

Агентлик вакили берган маълумотларга кўра, мазкур марказ Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузурида очилган. Марказнинг синов лабораторияси Ўзбекистонда қабул қилинган рўйхатга олиш тизимига мувофиқ рўйхатдан ўтган. Бухоро пиллакашлик фабрикаси марказнинг дастлабки "мижоз"ларидан бири бўлди.

Халқаро андозаларга мувофиқ, эндиликда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари билан бирга, уларни тайёрлашда ишлатиладиган материаллар — бўёқлар, газламалар ва иплар ҳам сертификатланади. Бу эса экспорт товарлари учун зарур бўлган талаб ҳисобланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш, сифат назорати тизимларини сертификациялаш енгил саноат корхоналарида технологик жараёнларнинг барча босқичлари устидан самарали бошқарувни таъшкил этишга кўмак беради.

"Ўзстандарт" вакилининг қайд этишича,тўқимачилик товарларини сертификациялаш маркази республикада сифат устидан назорат тизимини жорий этиш учун муҳим босқичдир.

Бозор тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда ташқи бозорга олиб чиқиладиган юртимиз маҳсулотларининг нархи сифат назорати тизими сертификати мавжуд бўлмаганлиги туфайли пасайиб кетмоқда. Айни вақтда лойиҳаларни сармоялашда молиявий кўмак олувчи корхоналардан ҳам сифат бошқаруви тизими сертификациясига эга бўлиш талаб этилмоқда.

Бу, жумладан, "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси учун муҳим аҳамиятга эга. "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси жорий йилда беш юз миллион АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни режалаштирмоқда. Умуман, енгил саноат хорижий сармоядорларни кўпроқ жалб этади.

Бу каби сертификациялаш марказлари саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Республикада уларнинг сони етмишдан зиёдроқни ташкил қилади.

Ҳукумат қарорига мувофиқ, экспорт соҳасига дахлдор 200 та корхона сифат назорати тизими сертификатига эгалик қилмоғи керак. Уларнинг 80 таси Тошкентда жойлашган. Қолганлари эса асосан тўрт вилоят: Тошкент ва Фарғона (22 корхона), Самарқанд (14 корхона) ва Андижон (12 корхона) вилоятларида жойлашган.

Ўтган давр мобайнида "ЎзДЭУавто", "Евроазия ТАПО Диск" қўшма корхонаси, "ЎзКарам Ко.ЛТД" ("Қизилқумцемент"), Шўртан газкимё мажмуи халқаро сертификациянинг тўлиқ синовидан босқичма-босқич ўтди. Энди бу борадаги ишлар "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзкимёсаноат", Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг, "Ўзэлтехпром", "Ўзбекипаги" уюшмалари бўлинмаларида бошланган.

Ҳужжатга мувофиқ, корхонанинг даромад солиғи халқаро андозаларга мос келувчи сифат назорати тизимини жорий этиш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сармоялар миқдорига камаяди. Лаборатория тадқиқотлари ва маҳсулотларни тестдан ўтказишда фойдаланиладиган технологик ускуналар божхона тўловлари, қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод этилади.

*"Туркистон-пресс"*

*Санъат*

## КОНСЕРВАТОРИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИ

**Ўзбекистон Давлат консерваторияси олимлари томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар мусиқа санъатининг долзарб масалалар мавзуларига бағишланганлиги билан ҳам эътиборни ўзига тортади. Олий мусиқа мактаби илмий кенгаши тавсия этган тадқиқотлардан бир нечтаси илмий диссертация тариқасида яратилди.**

«Мусиқада минимализм» деб номланган диссертация ёш тадқиқотчи Аида Габитова томонидан муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Тарихий мавзуда ёзилган диссертациялар орасида «Дунёни идрок этиш ва уни мусиқа оламига татбиқ қилиш» деган тадқиқот ҳам бор. Консерватория аспиранти Ирина Пунинская изланишлари самараси ўлароқ юзага келган бу илмий иш ҳам яхши баҳо олди.

## КЎП СЕРИЯЛИ ФИЛЬМ

**Ўзбек киносанъати усталари томонидан яратилаётган видеофильмлар кўплаб томошабинларга манзур бўлмоқда. Кўп қисмдан иборат сериаллар экран юзини кўраётгани ҳам таҳсинга сазовордир.**

«Бир кам дунё» деб номланган навбатдаги сериални суратга олиш жараёни эса давом этмоқда. Ҳаётий муаммолар, турмуш чорраҳаларида юз бераётган воқеалар мазкур экран асарига асосий мавзу қилиб олинди.

Ёш драматург Мадина Мўминова сценарийси бўйича истеъдодли режиссёр Санжар Бобоев раҳбарлигида суратга олинаётган бу сериал юз қисмдан иборат бўлади. Унинг дастлабки қисмларида эса Ўзбек Миллий академик драма театрининг ёш актёрлари асосий ролларни ижро этдилар.

## ДИПЛОМ СПЕКТАКЛИ

**«Талаба-ёшлар ижодиёти» кўрик-фестиваллари бўлажак ёш актёрлар учун жиддий имтиҳонга айланиб қолди. Чиндан ҳам Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида амалга оширилиб келинаётган бундай ижодий кўрикларда диплом ишлари намойиш этилаётир.**

Бу сафарги кўрик-фестивалда олий ўқув юртининг «Драматик театр ва кино актёрлик санъати» бўлими талабалари ўз ижрочилик маҳоратларини намоён этдилар. Улар постановка қилган спектакль «Ўлимдан кучли» деб номланди. Ушбу диплом спектакли институт ижодкор ёшлари саҳналаштирган энг яхши саҳна асарларидан бири деб баҳоланди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Мусоҳаба*

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА ТАЛАБ ҲАММА ЕРДА БИРДАЙ

**Мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири - ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб вояга етказишда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур дастур узлуксиз таълимни таъминлашга қаратилган бўлиб, бу борада ўрта махсус таълим белгиловчи ўрин тутади. Бу тизим таркибидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ёшларимизга вояга етгунга қадар умумий таълим билан бирга келажакда малакали мутахассис бўлишига ҳам пойдевор яратади. Айнан шу боисдан аксарият ўсмир ўғил-қизларнинг коллеж ва лицейларга киришга иштиёқи баланд. Бунга айни пайтда ўрта махсус ўқув юртларига ҳужжатлар қабул қилиш жараёни поёнига етаётганига қарамасдан (атиги икки кун қолди), бу ерга ўқишга киришга ошиқаётган ёшларнинг кўплиги ҳам яққол далилдир.**

**Бугунги кунда таълим тизимини ривожлантиришда ўрта махсус ўқув юртларининг ўрнини мутахассислар қандай баҳолайди? Янги ўқув йилига қанча ўқувчилар қабул қилиш режалаштирилмоқда. Шу каби саволлар билан биз Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат ЖАВЛОНОВга мурожаат қилдиқ.**

— Агарда бугунги кунда жамоатчилик орасида кейинги йилларда мустақил мамлакатимизда эришилган ютуқларнинг қайси бирини энг муҳим деб биласиз, деган савол юзасидан сўровнома ўтказиладиган бўлса, ишончим комилки, кўпчилик Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига урғу бериб, унинг белгиловчи бўғини — ўрта махсус таълимга алоҳида эътибор қаратган бўларди. 2005-2006 ўқув йилида саккизинчи маротаба тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлмаган ўсмир ёшларни умумий таълим билан бирга малакали касб эгаллаш ҳамда академик фанлардан чуқур билим олиш имконини берувчи ўқув юртларига қабул қиламиз. Дастлабки маълумотларга кўра, бу йили тўққизинчи синфни битирган 40 мингга яқин ўғил-қизларимизнинг 34.500 нафари (85 фоиздан кўпроғи) ўрта махсус ўқув юртларига, шу жумладан 31.450 таси — касб-ҳунар коллежига кириш истагини билдирмоқда.

Бизнинг тизимдаги ўқув юртларига ҳужжатлар қабул қилиш жараёни 20 июндан бошланган бўлиб, шу ўтган вақт ичида, сир эмас, баъзи пайтларда ҳужжатлар тўплами тўлиқ бўлмаганлиги ёки нотўғри тўлдирилганлиги сабабли абитуриентларимизни қайтаришга ҳам тўғри келди, Ўрта махсус ўқув юртларига топшириладиган стандарт рўйхатдаги бешта ҳужжат бор. Бу коллеж ёки лицей директори номига ариза; маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; доимий яшаш жойидан маълумотнома; 086-V шаклдаги тиббий маълумотнома; тўрт дона 3х4 сантиметр ҳажмли фотосурат. Агарда абитуриент 9-синфни жорий йилда битирмаган бўлса, мактабдан 10-11-синфларда таҳсил олмаганлиги ҳамда маҳалладан ўтган вақт давомида нима билан машғул бўлганлиги хусусида маълумотнома ҳам тақдим этиши лозим. Бундан ташқари, абитуриент албатта паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини қабул комиссиясига кўрсатиши керак бўлади. Таъкидлаш лозимки, ҳужжатларни қабул қилиш муддати 31 июлгача давом этади. Аммо агарда айрим мутахассисликлар бўйича талаб давом этса, ушбу ўқув юртларида ҳужжатлар қабули 20 августга қадар узайтирилади. Дарвоқе, вакант жойлар қайд қилинган вақтгача асосан бошқа ўқув юртларидаги танловдан ўта олмаган абитуриентлар ҳисобига аста-секин қопланиб боради.

**— Танлов ҳақида гап бошладингиз, шу боис қуйидаги нарсага аниқлик киритиб олсак. Ўсмир ёшлар, шунингдек, ота-оналар ўртасида коллеж ёки лицейларга кириш шартлари олий ўқув юртлариникига тенглаштирилган деган фикр тарқалган. Аслида ҳам шундайми?**

— Ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларига қабул қилиш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Ўрта махсус ўқув юртлари тўғрисидаги Низомга асосан ўқувчиларнинг хоҳиш-иродаси, қизиқиши, касб-ҳунарга мойиллигига қараб амалга оширилади, яъни умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлар аризасига кўра танловсиз қабул қилинади. Лекин агарда аризалар сони қабул кўрсаткичларидан кўп бўлса, мазкур ўқув юртларида 1-10 август давомида танланган йўналишдан келиб чиққан ҳолда икки фан мажмуасидан махсус синовлар ўтказилади. Ҳар бир фан 25 та топшириқдан иборат бўлиб, икки соат ичида абитуриент 50 та савол бўйича махсус тест анкетасини тўлдириши лозимдир. Биринчи фан бўйича ҳар бир тўғри жавоб учун 3,1, иккинчи фан бўйича — 2,1 баллдан берилади, умумий тўпланиши керак бўлган энг юқори балл 130 га тенгдир. Синовлар натижаси бўйича етарли даражада балл тўплай олмаган абитуриентларга шу ернинг ўзида, маслаҳат марказлари томонидан баъзи ўрта махсус ўқув юртларида мавжуд бўлиши мумкин бўш жойлар таклиф этилади.

**— Маълумки, имтиёзлар болаларнинг яхши ўқишга, кўпроқ билимга эга бўлишга қизиқиши ва интилишини оширади. Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ота-онаси қарамоғисиз қолган болалар учун касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейларга киришда бирон-бир имтиёзлар кўзда тутилганми?**

— Кўрсатиб ўтилган тоифадаги ўғил-қизларимиз агарда республика, вилоят, шаҳар миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари, тегишли даражадаги спорт мусобақалари, халқаро танловлар ғолиблари бўлса, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейга танловсиз қабул қилинади. Акс ҳолда улар ҳамма қаторида умумий равишда ўқишга киришлари мумкин, шундай бўлсада, уларнинг танлов натижалари тўлиқ оилавий шароитда тарбия олаётган абитуриентлар билан тенг келса, бундай вазиятда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногирон ёки ота-онаси қарамоғисиз қолган ўсмирларга имтиёз берилади.

**— Яқинда бошқарма мутахассислари билан ўтказилган бевосита мулоқот давомида пойтахт ўқув юртларига вилоятлардан келган ёшларни қабул қилиш ҳақиқатан камайганми, деган саволлар ҳам бўлганди...**

— «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби ва қоидалари ҳақида»ги вақтинчалик Низомга мувофиқ ҳар бир 9-синф битирувчиси ўз хоҳиш-иродаси, қизиқишига қараб конституцион ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда бепул касб-ҳунар таълимини олиши, шунингдек ўзининг касбга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириши, танлаган касби бўйича бир ёки бир нечта ихтисосликни эгаллаши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатда шунингдек, вояга етмаган ўқувчининг ота-онаси бағрида, туғилиб ўсган ҳудудга яқин жойдаги ўқув юртида таҳсил олиши кўрсатиб ўтилган. Шу нуқтаи назардан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан малакали кадрларни жойларда, маҳаллий ёшлар орасидан тайёрлашнинг мақсадга мувофиқлиги инобатга олиниб, деярли барча вилоят марказлари, ҳар бир туман ва шаҳарлар, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам замонавий тарзда тўлиқ жиҳозланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари очилган ва уларда таълим давлат стандартлари асосида олиб борилади. Уларнинг аксариятида ёшларимиз Тошкентдаги ўқув юртлари томонидан тавсия қилинаётган мутахассисликларнинг деярли 99 фоизини эгаллашлари мумкин.

Албатта, бу вилоятларда истиқомат қилаётган фарзандларимизнинг пойтахтдаги ўқув юртларида таҳсил олиши ман этилади дегани эмас. Назаримизда, ушбу масаланинг бир муҳим жиҳатига алоҳида аҳамият бериш лозим. Масалан, фақат Тошкент вилоятида кейинги йиллар ичида турли йўналишлар бўйича ўнлаб касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар очилди. Шундай имконият бўла туриб, наҳотки пойтахтга бориб ўқиш шарт? Унда қурилиши, жиҳозланиши, юқори малакали педагог кадрларни жалб этиш учун қанчадан-қанча маблағ сарфланган вилоятлардаги ўқув юртларида ким ўқийди? Қолаверса, тўққизинчи синфни битирган ҳар бир ёшнинг унинг ота-онаси уйидан анча йироқда ўқиши учун оила бюджетидан озмунча маблағ сарфламаслигини ўйлаб кўришга мулоҳазаси етса керак? Тўғри, агарда бу, масалан, гидрометеорология, геология, киновидеотехника, эстрада-цирк йўналишлари бўлса, бошқа гап. Маълумки, бу соҳа мутахассислари Тошкентдаги тегишли ўқув юртларида тайёрланади. Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб ўтиш лозимки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг муҳим жиҳати шундаки, у айнан ўрта махсус, касб-ҳунар ва кейинчалик олий маълумотни республикамизнинг ҳаттоки чекка-чеккаларида ҳам олишга имконият яратиб бермоқда. Қуйидаги рақамларга эътиборни қаратсак. Яқин келажакда мамлакатимизнинг ўрта махсус таълим тизими 1611 та касб-ҳунар коллежи ва 181 та академик лицейдан иборат бўлиб, уларда бир ярим миллионгача ўсмирлар таҳсил олиши ва ҳар йили ўрта ҳисобда 500 мингга яқин ёшлар тамомлаши мумкин бўлади. Янги кўринишдаги бу ўқув юртларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига кейинги йилларда 200 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Бундан оддий арифметик ечимни чиқариш қийин эмас — Тошкентда атиги 117 та ўрта махсус таълим муассасалари мавжуд. Демак, менинг назаримда, биз касбга йўналтириш борасидаги ишларимизни айнан шу йўсинда олиб боришимиз, асосий эътиборни эса малакали кадрлар ҳар жойда кераклигига ва уларга талаб фақат пойтахтда эмас, балки авваламбор мамлакатимиз вилоятларида катта бўлаётганига қаратишимиз керак.

**— Шу билан бирга бугунги кунда ишга жойлаштириш, айниқса коллеж ва лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи долзарблигича қолаётир...**

— Дарҳақиқат, бу жиддий масала ва у фақат бизнинг бошқарма тасарруфида бўлиб қолаётгани йўқ. Таъкидлаш жоизки, ҳар ўқув йилига қабул қилиш режаси талаб ва таклифларга асосан ишлаб чиқилади. Лекин, тан олишимиз керак, бу йўналишдаги ишларимиз ҳар доим ҳам самарали кечаётгани йўқ. Янги ўқув йили бошига ҳар бир ўқув юрти раҳбарияти томонидан хўжалик субъектлари — турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар билан вакант иш ўринлари бўйича ва улар маълум муддат ичида ўрта махсус ўқув юртини тугатган ёш кадрлар ҳисобига қопланиши юзасидан шартнома тузилади. Бундан таш-қари, бугунги кунда касб-ҳунар коллежи ва академик лицей битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи мажмуавий тарзда ҳал этилиши йўлга қўйилган. Хусусан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ ва «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда қўшма дастур ишлаб чиқилган. Бу борада мувофиқлаштириш ва назорат ишлари шаҳар ҳокимлиги даражасида олиб борилади.

Ўрта махсус таълим муассасалари ўз олдига бугунги кун талабига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадини қўйган. Шунга яраша ўқув юртларимизда фарзандларимизга умумий таълим бериш билан бирга ёш мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Биз, албатта, малакали мутахассис дипломини олишга муваффақ бўлган ҳар бир битирувчимизнинг жамиятда ўз ўрнини топишидан манфаатдормиз. Ҳозирда ҳукумат даражасида тайёрланаётган махсус дастур ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Унда мутахассисликка эга ёшларимизнинг умуман бандлигини таъминлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Хусусан, малакага эга ёшларнинг кичик бизнес тузилмаларига, хусусий тадбиркорликка фаол жалб этилиши кўзда тутилмоқда. Бу дастур бизнинг битирувчиларимизга ҳам ўзини бизнесда синаб кўриши учун, тадбиркорлик фаолияти билан мустақил шуғулланишига қулай шароитлар ва тегишли имкониятлар очиб беради.

**— Маълумки, мамлакатимиз Президенти халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг апрель ойидаги сессиясида келажак ҳақида, ёшларимиз истиқболи борасида сўз юритиб, малакали кадрлар тайёрлаш масаласида алоҳида тўхталиб ўтгандилар. Бугунги кун талабига мувофиқ самарадорликка эришиш зарурлиги, айниқса эътиборни юқори технологиялар жараёнларини яхши тушунадиган ёш мутахассисларни тайёрлашга қаратиш кераклиги алоҳида таъкидланганди. Бу борада кадрларни маҳаллий ёшлар, айниқса пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида истиқомат қилувчи ўғил-қизларимиз орасидан ҳам излаш назарда тутилганлиги маълум. Ушбу йўналишда қандай ҳаракатлар қилинмоқда? Янги коллеж ёки факультетлар очилиши режалаштирилганми?**

— Бу саволга жавоб беришдан олдин авваламбор яқин тарихимиз — Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури татбиқ этила бошланган дастлабки йилларга назар ташлаш ўринлидир. Ўша кезларда 40 дан зиёд давлат вакиллари иштирокида халқаро анжуман ўтказилганди. Хорижлик ҳамкасбларимиз мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётганислоҳотлар билан яқиндан танишишга мушарраф бўлиб, замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассислар тайёрлаш борасида катта ишлар қилинганлигига ҳам амин бўлганди. Шунингдек, улар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг татбиқ этилишида авваламбор мустақил давлатнинг, бевосита мамлакат Президентининг ёш авлодга бўлган ғамхўрлиги намоён бўлаётгани, Ўзбекистон ёшларининг билимли ва маърифатли тарзда вояга етиши, қобилиятини ифода қила олиши, ҳақиқий касб эгаси бўлиши, жамиятга кераклилигини ҳис қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидлашганди. Шубҳасиз, ўтган қисқа вақт давомида эришган ютуқларимизни кузатиб бораётган хорижий ҳамкасбларимиз эндиликда ҳам узлуксиз таълимнинг ўзбек модели ўзини тўлақонли оқлаётгани хусусида бирдай фикр билдирган бўларди.

Бугунги кунда тизимдаги ўқув юртларимиз битирувчилари ишламаётган соҳа бўлмаса керак. Лекин шу билан бирга, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, юқори технологиялар кескин ривожланиб бораётган асрда бизнинг ёшларимиз фақат компьютер, Интернетдан фойдаланиш билан кифояланиб қолмасликлари керак. Улар мустақил ҳаётга дастлабки қадам қўйишлари чоғиданоқ мамлакатимиз ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши, юқори технологиялардан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқариш борасида ҳам баланд поғоналарни забт этиши учун лойиқ билим соҳиблари бўлишлари даркор. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти бир қатор тузилмалар билан биргаликда бу борада тегишли ташкилий ишларни амалга оширмоқда. Яқин кунларда авиация-техник йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган янги касб-ҳунар коллежи қурилиши учун қўшимча ер майдони ажратиш масаласи ҳал этилади. Ушбу ўқув юртини айни пайтда шундай таълим муассасаларига талаб-эҳтиёж юқори бўлиб қолаётган пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида очиш режалаштирилгани бежиз эмас. Шубҳасиз, бу ерда истиқомат қилаётган ўғил-қизларимиз орасида, ўтган асрнинг 50-60-йиллардаги тенгқурлари каби, астрономия, авиация, космонавтика билан қизиқаётган, буюк аждодлари Улуғбек, ал-Фарғоний, ал-Хоразмийнинг муносиб ворислари бўлишга ҳаракат қилаётган, шунингдек замондошларимиз — академик Шавкат Воҳидов, аниқ фанлар соҳасидаги кўплаб машҳур олимларимиз, қолаверса мамлакатимиз тарихига алоқадор бўлган космонавтлар Владимир Жонибеков ва Солижон Шариповларнинг издошлари даражасига етишга ошиқаётган ёшларимиз оз эмаслигига ишончимиз комилдир...

Бундан ташқари, бугунги кунда учта лойиҳа амалга татбиқ этилмоқда. Жумладан, ахборот технологиялари, компьютер технологиялари ҳамда Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежларида ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодчиси, ахборот-коммуникация технологиялари тармоқ тизимлари мутахассиси ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси дастурловчиси каби янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Ушбу лойиҳалар Германиянинг КфБ банки ҳамда Техникавий ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда ишлаб чиқилган. Бу эса мамлакатимиз таълим тизими халқаро даражада тан олинганининг яна бир исботидир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**суҳбатлашди**

## Митти ҳажвиялар

### АРЗОН ЙЎТАЛ

Чекавериб, тишлари сарғайиб кетган ошнам Толибнинг тез-тез, қисқа йўталавериши ғашимга тегиб, ундан сўрадим:

— Гапингга қараганда, нафақага чиқибсан, йўталингни даволатсанг бўлмайдими?

— Ҳозир ўзимни ўзим даволаяпман, ошна, — деди у илжайган ҳолда ҳансираб.

— Қандай қилиб?

— Тамаки ўрнига «Прима» чекяпман.

— Фойдасини сезяпсанми ахир?

— Бўлмасам-чи, илгари тамакига ойлик маошимнинг ярми кетарди, ҳозир эса нафақа пулимдан озгинаси!

— Йўтал-чи, йўтал!

— Чекиш арзонлашганидан кейин йўтал ҳам арзонлашяпти-да, ошна!

### НЕВАРА ЙИҒИСИ

Сиҳатгоҳда дам олаётган Очилбувва ёнида ўтирган улфатларига ҳикоя қила кетди:

— Бу ерга келмасимдан сал олдин неварамга дўхтир чақирдик. У шамоллашга қарши укол қилди. Аммо, баданига игна кирганини сезмади, шекилли, неварам индамай, безрайиб тураверди. Дўхтир хайрлашиб, уйдан чиқиб кетгандан кейин укол қилинган жойини ушлаб кўриб, чинқириб йиғласа бўладими?

— Нега йиғлаяпсан, укол пайтида индамадинг-у, десам:

— Боя, дўхтир борида йиғлашга қўрққандимда, бувижон! — дейди-я, шайтон бола!

### БУВИГА ХАТ КЕЛДИ

Хорижга ўқишга кетган Холтойдан бувиси Ҳожия кампирга хат келди. Кампирнинг кўзлари хиралашиб қолганди, келган хатни ён қўшнисининг иккинчи синфда ўқийдиган боласига ўқиттирди:

«С-са-а-алом а-алл-ай-кум, бу-у-ви-ж-жо-он-ги-н-нам!» — бундай ўқишни эшитиб кампирнинг кўзлари беихтиёр ёшланиб деди:

— Эҳ, неварагинам шўрлик! Болалигида ҳам дудуқланиб юрарди, зўрға тузалганди. Ўзга юртда яна ўша дарди қўзибди-да. Уларнинг тепасига сездирмай келиб, кузатиб турган қўшни кулиб дебди:

— Хола, неварангизнинг дарди қўзимаган, манави ўғилчам алифбени яхши ўзлаштирмаган.

**Олим БЕКОВ**

# ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

### ҲАДИК

**(Масалча)**

Тўнтарилган гулдон оғир қозонни
Кўтариб куну-тун юрар тошбақа.
Унга раҳми келиб, ачиниб жони
Бир кун сувдан чиқиб, деди Қурбақа:
– Нима азоб, орқалаб шунча зил юкни,–
– Енгилгина йайраб юргин мендайин!
– Ёгиб қолар дўл, ёмғир қарагин кўкни!–
Деб, Тошбақа кетди бузмай пинагин.

***

Баъзида дуч келар шундайин инсон:
Қишин-ёзин қўлдан тушмас соябон!

### ФАКТ ВА АКТ

**(Масал-фельетон)**

Қопқонга тушди Сичқон,
Бу – аниқ факт!
"Йўқолди беш қанор дон!"
Тузилди акт...
Қаранг-а, митти Сичқон
Экан-а, нафси ўпқон!

### УМР ШОМИ

**(Рубоий)**

Қариликни баъзи биров доғ билар,–
Умр шоми тушган сайин оғринар.
Шу боисдан суҳбат чоғи сезилар:
Ҳар бир кекса болалигин соғинар.

### ҚАЙЧИЛАР

**(Туюқ)**

Ҳаётда бор қисқа, узун қайчилар,
Ип, матони қирқмоқ учун қайчилар.
Киши ҳақин еб ўрганган кимсалар
Бировлар ризқ-рўзин зимдан қайчилар!

### КЎРГАНИН ҚИЛАР

**(Мақолга шарҳ)**

Чумчуқ билан Чумчуғой уришиб қолди,
Бу ҳолни чумчуқчалар кўришиб қолди...
Эртаси улар ҳам бир-бирин юлар,–
Билинг: "Қуш уясида кўрганин қилар!"

### ПОКЛИК

**(Фард)**

Ўзим ҳам пок, сўзим ҳам пок, кўзим ҳам пок ,–
Ҳалқумимдан ўтган кунлик тузим ҳам пок!

**Озод МАНСУРОВ**




Абдурасул Ҳакимов чизган расм.




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

### ХАНДАЛАР

*Афанди дўстига айтаётганмиш:*

*— Кеча театрга борувдим. Ғалати воқеа бўлди ўзиям. Кутилмаганда бир томошабин балкондан пастга қулаб тушса бўладими. Одамлар роса кулишди.*

*Дўсти сўради:*

*— Сен ҳам мириқиб кулгандирсан.*

*— Қаёқда. Ахир балкондан йиқилган ўзим эдим-да.*

* * *

*Ўқитувчининг олдига маҳалладоши ўғлини етаклаб келибди.*

*— Домла, ўғлимга яхшилаб тарбия берсангиз. Эти сизники, суяги бизники.*

*Ўқитувчи маҳалладошдан сўрабди.*

*— Янглишмасам, сиз қассоб эдингиз чоғи.*

*— Ҳа, бозорда қассоблик қиламан домла.*

*— Қани эди, бозорда ҳам юқоридаги жумлани ишлатсангиз.*

* * *

*Уйига кайфи тароқ ҳолда кечаси кириб келган Насриддин Афанди чироқ ўчиқлигини кўриб жаҳли чиқди ва хотинига ўшқирди.*

*— Кўрмаяпсанми? Ғирт мастман. Нега индамаяпсан?*

*Бу муомаладан фиғони фалакка келган хотин жаврай кетди.*

*— Яна ичиб келдингизми? Қачон одам бўласиз, уялмайсизми?*

*Кутилмаганда Афанди кулиб юборди ва хотинини эркалаб деди.*

*— Яхшиям жовраганинг хотин. Энди тўхтат. Чунки гапирганинг сайин мени қўрқув босиб охир-оқибат қоронғида сени уринтирмай кўрпамни топиб олдим-да.*

* * *

*Итга ишқибоз ошналарнинг бири иккинчисига дебди.*

*— Хоҳ ишон, хоҳ ишонма. Менинг итим гапиради.*

*— Биламан, — дея жавоб қайтарибди иккинчиси бамайлихотир.*

*— Қаердан эшитдинг?*

*— Итимдан эшитдим.*

## Мусаҳҳиҳ янглишганда

- Пакана (чакана) савдода гап кўп.
- Хуш келибсиз деҳқон мозорига (бозорига).
- 4000 хона (дона) акция сотилди.
- Бу шодиёна тутун (бутун) халқимизни чексиз қувонтирди.
- Ишбилармонларга кенг мўл (йўл) очиб берищди.
- Хорижий инвестицияларни қалб (жалб) этдик.
- Озиқ-овқат маҳсулотлари тунлик (кунлик) эҳтиёж учун зарур.
- Аҳоли қон (жон) бошига 8 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди.
- Халқ истеъмоли толлари (моллари) ишлаб чиқилди.
- Кон (нон) ризқ-рўзимиз.
- Хуш келибсиз бизнинг кархонага (корхонага).
- Кайфиятингиз шўр (зўр) бўлади.
- Олтин қўй (тўй)га ҳамма ҳам етавермайди.
- Орани сочиқ (очиқ) қилинг.

**Азиза МУҲАМЕДОВА** тўплади

# ЁН ДАФТАРДАГИ БИТИКЛАР

*Сўйловда ботирмиз жуда. Амалда бўлка нон бўккандек сувда.*

* * *

*Ботини сўқирга зоедир ўгит.*
*Вой, дод-е, кор этмиш қай тошга ўгит.*

* * *

*Ожизлар ўз атрофига тиргак қўядилар.*

* * *

*Йўлакда Шалоқ кетаётиб имомни кўриб қолди ва деди:*

*— Тақсир, анов бурилишда бир қизни учратдим. Сочини калталатган, лабида бўёқ, тирноқлари — бигиз. «Ў-ў ойимча, мабодо маймунга қариндошлигинг йўқми-а», десам, миқ этмай бетини терс бурди. Меники тутди денг. Онаси қолмади, бобоси қолмади, дўл савалагандек қилвордим. Қалай, боплапманми?*

*— Бопланибсиз.*

*— А?*

*— Адабдан йироқлигингизни намойиш этибсиз. Шул боис, бопланибсиз, деяпманда.*

* * *

***Қара, эй, дилбандим, зотига қара,***
***Саъвадан чиқмас ҳеч булбули сара.***

* * *

***Оладир. Бер, десанг, ҳожанг ёнадир.***
***Дарёлар бошидан лойқаланадир.***

* * *

***Ёр агар ораста, кўнгилда мароқ,***
***Ораста тутгандек сочингни тароқ.***

* * *

*Кериламиз боболаримиз қилган ишларига санолар ўқиб, лунжимиз кўпчиб. Аммо, хўш, ўзимиз арзигулик не қиляпмиз, не? Нечун ўтирибмиз тоғдан сойликка сирғилган тошдек чўкиб?*

* * *

***Бошингда саллаю Тангридир зикринг,***
***Во, ажаб, бу не ҳол, таъмада фикринг.***

* * *

***Бойнинг Худосию пайғамбари —пул.***
***Шиори: «Юл, юл, юл! Гадодан ҳам юл!!»***

* * *

*Қоплон ўз ўлжасини хилватга судрарди,*
*Чиябўрилар кўриб қолишди уни:*
*— Ў-ў, тақсир, кўмаклашворайликми?!*
*Кўмаксиз тутдим. Ютишда ҳам ҳушим йўқ кўмакка, — деди Қоплон мулойимгина селпиб дум.*

* * *

*Эй, эшонзода, олим бўлибсан. Бу — қутлуғ иш. Аммо тисланибсан одамийликдан, димоғингда шиш нақ қора ари ургандайин ниш, биздек юпунларга муомаланг қиш.*

***Бўлсанг-да юртингга ҳаттоки ҳоқон,***
***Ҳақир бўл, ўзингни тутмагил осмон.***

* * *

***Бойликдан маст киши, валийлар наздида, хас киши.***

* * *

***Лофни қўй, босгил, вей, ўпкани андак.***
***Йўқ қушга чалмаслар боғда тартарак.***

* * *

***Курсидасан, баланд курсида, ҳай-ҳай,***
***ўтиришинг амир тусида.***
***Ким этса гар мурожаат, ғозланасан,***
***фарзингни адо этувда нозланасан.***
***Чўтал чиқар бўлса, хўб-хўб.***
***Чиқмаслигига етсами кўзинг.***
***Шимол иқлимидек аёзланасан,***
***минг бир важ зоғлари парт-парт***
***учиб оғзингдан.***
***Қачон бу ўриндан бўлурсан-е даф!***
***Сени бу ўринга қўйганларга ҳайф!***

* * *

*Маҳалламизда ким қанақа, жумладан, ким харом? Биламиз. Бироқ чурқ этмаймиз, бугун бўлмаса эртага касофати тегишини ақалли кўз ўнгимизга келтирмаймиз. Э, хушлаган тезагини титавермайдими, менга нима, деймиз кўнглимизда ҳам, ўнгимизда ҳам. Маҳалламиз бир тан бўлса, ўша харом тимсол шу тандаги жароҳати эканлигини фаҳм этмаймиз. Бу ҳол — анча катта фожеа. Бу фожеа маънавиятимиз йўлидаги бир чоҳдир. Бу чоҳ, кўз илғамас, бу чоғ нечаларни мункитиши, майиб этиши ҳатто тушимизга ҳам кирмайди.*

**Ямин ҚУРБОН**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг очиқ кимошди савдоси ўтказилади.**

**2005 йил 10 август кунида қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:**

1. "Ваз-21043" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 799 267 сўм, техник носоз;

2. "Газ-2217-5304" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 5 200 000 сўм, техник соз;

3. «Ярим тиркама» 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 53-44 ТН, бошланғич нархи 316 530 сўм, техник носоз;

4. "Ссанг Енг муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 4 608 214 сўм, техник носоз;

5. "Газ-24" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошланғич нархи 640 750 сўм, техник носоз;

6. "Ваз-2106" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 05-16 ТН, бошланғич нархи 772 667 сўм, техник носоз;

7. «Мерседес-Бенц-160» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Y 08-04, бошланғич нархи 55 000 000 сўм, техник соз;

8. «Мерседес-Бенц SL 500» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AN 999, бошланғич нархи 100 000 000 сўм, ҳаракатланмайди;

9. «Нексия» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 12-57, бошланғич нархи 8 789 755 сўм, техник соз;

10. «Ваз-21063» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 N 83-82, бошланғич нархи 1 700 000 сўм, техник носоз;

11. «Пежо-206» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 6776, бошланғич нархи 20 000 000 сўм, техник соз;

12. «Даймлер-Бенц-280» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 1113, бошланғич нархи 30 000 000 сўм, техник соз;

13. "КАВЗ 3270" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 598, бошланғич нархи 1 906 569 сўм, техник носоз;

14. "ЛАЗ-695" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 686, бошланғич нархи 3 106 862 сўм, техник носоз;

15. "ЗИЛ 130 Б" автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 596, бошланғич нархи 2 704 230 сўм, техник носоз;

16. "КАМАЗ 5320 " автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 607, бошланғич нархи 3 067 000 сўм, техник носоз;

17. "ЗИЛ 130 ПМ"автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 603, бошланғич нархи 1 613 000 сўм, техник носоз;

18. «Газ-5312» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 577, бошланғич нархи 213 711 сўм, техник носоз;

19. «Маз-500» автомобили, 1966 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AH 757, бошланғич нархи 143 000 сўм, техник носоз;

20. "Мерседес-Бенц-280" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси X 761 LPM, бошланғич нархи 8 000 000 сўм, техник соз;

21. «Урал-43220» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 34-14 ТНФ, бошланғич нархи 12 000 000 сўм, техник носоз;

22. "Газ-2411" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 07-87, бошланғич нархи 1 267 442 сўм, техник носоз.

**2005 йил 30 август кунида қуйидаги автомототранспорт воситалари кимошди савдоси ўтказилади:**

1. «Дэу ланос»» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;

2. «Шевролет Блайзер» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 32-71, бошланғич нархи 7 000 000 сўм, техник носоз;

3. «Иж-2125» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 O 73-85, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;

4. «Ваз-2104» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 K 90-74, бошланғич нархи 1 400 000 сўм, техник носоз;

5. «Ваз-11113-Ока» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 784 000 сўм, техник носоз;

6. «Ниссан Максима» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 08-68, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз.

**Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади.**
**Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.**
**Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй, 2-қават.**
**Маълумот учун телефонлар:, 144-54-08, 41-16-38.**

Тошкент шаҳар ЎМКҲТБ тасарруфидаги Яккасарой Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи қуйидаги мутахассисликлар бўйича 9-синф негизида

## ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

1.Радиотехника ва телеаппаратларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича механик.
2.Пайвандлаш жиҳозлари устаси.
3.Бухгалтер-аудитор.
4. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича механик.
5. Саноат корхоналари ва иншоотлари электр жиҳозлар, электр тармоқларини ўрнатиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш бўйича механик (иш жойи билан таъминланади)

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича таълим бериш учун ўз касбини ва ўқувчиларини севадиган ўқитувчиларни ишга таклиф этамиз.

**Бизнинг манзил: Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 8-уй.**
**Тел: 53-31-21**
**Автобуслар: № 2, 12, 69, 79, 32, 45, 57, 58, 40, 80, 94, трамвай: № 9, троллейбуслар: № 6, 7, 13. Мўлжал: «Тўқимачилик комбинати» рўпараси.**

"Радиодеталлари" дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар жамловчи, электрон, аудио ва видео, ўлчов асбобларини харид қилади ва сотади.
**Телефон 68-93-93**

Шлакоблок ишлаб чиқарадиган аппарат ва бетон қориштиргич 4м³ («Миксер») ишлатилган сотилади.
**Телефонлар: 126-18-15, 98-69-29.**

**Юқори Чирчиқ туман Матлуботсавдо очиқ акциядорлик жамияти вакилларининг 2005 йил 19 июндаги Умумий йиғилиши қарорига асосан акциядорлик жамияти негизида масъулияти чекланган жамият ташкил этилди.**

**Акционерлар ўз акцияларини 10 кун муддат ичида олиб келиб топширишлари шарт, акс ҳолда улар ўз кучини йўқотади.**

**Мурожаат учун манзил: Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Ҳамкорлик кўчаси, 10-уй. Юқори Чирчиқ туман Матлуботсавдо жамияти.**

**Юқори Чирчиқ туман Матлуботсавдо акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши.**

Тошкент Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи томонидан 2005 йилда Умарова Гавҳар Шавкатовна номига берилган К №053695 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Учтепа (собиқ Акмал Икромов) туманидаги 129-ўрта мактаб томонидан 1989 йилда Абдухалилова Нодира Махсутовна номига берилган ДN№ 793541 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОН КЎРГАЗМАСИ

**Япония пойтахтида «Мегуро Риверсайд» халқаро маданият фестивали бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги ҳамда Миегуро туман фуқаролари маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбир тақдимотида Кунчиқар мамлакат ҳукумати аъзолари, ижтимоий-сиёсий доиралар, қатор хорижий мамлакатлар элчихоналари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

Мегуро — Токио метрополиясини ташкил этувчи 23 та тумандан бири. У пойтахтнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий маркази ҳисобланади. Юқори технологиялар асосида фаолият кўрсатадиган қатор компаниялар ва хизмат кўрсатиш муассасалари идоралари, савдо марказлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг Токиодаги дипломатия ваколатхоналари ушбу туман ҳудудида қарор топган. Жумладан, Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ҳам шу ерда жойлашган.

Уч кун давом этган «Мегуро Риверсайд» халқаро маданият фестивали бутун Токио ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Анжуманда намойиш этилган турли мусобақа ва беллашувлар, иштирокчи мамлакатлар халқларининг чолғу асбоблари наволари ва миллий рақслари кўргазма қатнашчиларида унутилмас таассуротлар қолдирди.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, тадбир доирасида ўндан зиёд мамлакатнинг дипломатия ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мамлакатшунослик кўргазмаси ҳам марказий воқеалардан бири бўлди.

Анжуман ташкилий қўмитасининг раиси Морио Данмуранинг таъкидлашича, дунё халқларида турли-туман урф-одат, маданият ва қадриятлар бўлса-да инсоният доимо ягона эзгу мақсад сари талпиниб яшайди. Бу тинчлик фаровонлик, ўзаро дўст-бирודарлик.

— Ўзбекистон кўргазмасини кўриб, халқингиз нақадар бой маданият соҳиби эканига амин бўлдим, — дейди Морио Данмура. — Миллий ҳунармандчилик ва ганчкорлик намуналари, нафис шойи ва атласдан тикилган ўзбек либослари, бетакрор навolар таратадиган чолғу асбобларингиз мени ҳайратга солди.

Айни пайтда Кунчиқар мамлакатининг қатор шаҳарларида «Буюк Ипак йўли мероси» номли халқаро кўргазма иши ҳам муваффақиятли давом этмоқда. Аичи префектурасида ўтаётган «EXPO-2005» халқаро кўргазмасида эса Ўзбекистон экспозицияси бронза медалини қўлга киритди.

**«Жаҳон» АА**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

* Айтишларича, Гаштосиб кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, Кустантания шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ейишга нарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззат-нафси йўл қўймас эди. Унинг ёдига ёшлиги тушди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четида жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гаштосиб кўп ўйлаб ўтирмай темирчилар олдига борди ва уларга деди:

— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гаштосиб бир неча муддат ишлаб пул йиғди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу ҳунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида ҳунар ўргатишга фармон берди.

* ҲИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:

**Дунёнинг қарори**
**илм биландир,**
**Илмсиз кишига**
**йўқдир эътибор.**

Бир куни муаллим онасига шикоят қилиб: «Ўғлинг илм ўрганишга унамаябди, вақтини ўйин-кулги билан зое ўтказмоқда» — деди: Байт:

**Ҳар инсон илмдан**
**тополса баҳра,**
**Иши ўқиш ила**
**саволу жавоб!**

Онаси муаллимдан: «Билолмадингми, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан маҳрум бўлган. Билишимча, унинг хотири маҳбуб учун нигорон, дили эса маъшуқ юзига ҳайронга ўхшайди:

**Ўзи меҳнатга ожизу боши**
**савдога лиқ тўла,**
**Бугун эртанинг фикри**
**ҳақида ўйламас асло!**

Агар мен илму иймондан савол қилсам у васлу ҳижрондан гапиради, агар мен ҳалолу ҳаромдан ҳикоя қилсам у зулф ила холдан оғиз очади». Онаси деди: «Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошиқ бўлиш ихтиёрий эмасдир! Байт:

**Домга тушган ночор**
**қушнинг ҳолини,**
**Озод юрган бургут**
**билмас ҳеч қачон.**
**Қафасдаги булбул**
**нолишин эса,**
**Ёр-ла юрган каптар**
**сезмас бегумон.**

Уни озод қил! Ишқда шундай хосият борки, у кишини латофатли, назокатли ва ҳушёр қилади!

Байт:

**Ҳар кимсанинг боғи ила**
**бўстонлари бўлса ҳам,**
**Хушнуд эмасдир ҳаргиз**
**унда ёри бўлмаса.**
**Кўнгил бермоқ бировга,**
**ҳаётнинг ўзи шулдир,**
**Жонсиз сувратдир кимнинг**
**гулузори бўлмаса.**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ДОРИЛАРДА ДАРМОН ҚАНИ?

Табиийки, дори-дармон воситалари инсон ҳаёти учун жуда зарур. Кунда бўлмаса-да, икки-уч ҳафтада ёки бир ойда дори излаб дорихонага югурамиз.

Албатта, ҳозирги кунда кўпгина хусусий дорихоналарда истаган дори воситасини излаб топиш мумкин. Бу яхши албатта. Аммо...

Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Шаҳримиздаги гавжум бозорлардан бири ёнидан ўтиб кета туриб ғалати манзарага кўзимиз тушди. Бир гуруҳ хотин-халаж тўпланиб турган жойда одам тирбанд. Биз ҳам қизиқсиниб шу ёққа юрдик. Ишонасизми, бозор барибир бозорда. Бу ерда инсон соғлиғи учун зарур дори-дармон воситалари сотиляпти. Ҳайрон қолдик. Ҳатто хусусий дорихоналарда ҳам баъзида анқонинг уруғи каби топилмайдиган қимматбаҳо дорилар бор. Қизиғи, дори-дармон билан савдо қилаётганлар аланг-жаланг, ўз ишларини тезлик билан шошиб бажаришаяпти. Буни ҳам тушунса бўлади. Чунки дори-дармон воситаларини кўча-кўйда, бозорларда, жамоат жойларида маълум ҳарорат сақланмаган ҳудудда сотиш қатъиян тақиқланади. Каминани ажаблантиргани шу бўлдики, сотилаётган дори маҳсулотлари орасида таблеткалардан ташқари суюқ дорилар ҳам бор. Ёнида катта сумка, олдида оқ матога турли-туман дориларни териб қўйган қорачадан келган аёлга яқинлашдик.

— Сизда «Кальций хлор» ёки «Гемодез» борми? — сўраймиз сотувчи аёлдан.

— Ҳаммаси бор, отахон. Қайси бири керак сизга?

Шу пайт қий-чув кўтарилиб қолди-ю, дори-дармон сотаётган аёллар нарсаларини шоша-пиша йиғиштириб қоча бошлашди. Маълум бўлишича, назоратчилар текшириш учун келишган, ўз маҳсулотларининг қонунсиз сотилаётганини билган «тадбиркор»лар эса «қуённинг» расмини чизишаётган экан.

Шу ўринда бизни бир муаммо ўйлатиб қўйди. Аввало, дори-дармонни махсус жойдагина сотиш керак. Чунки дорилар юқорида таъкидлаганимиздек, қоронғи хонада, бир хил ҳароратда сақланиши зарур. Айниқса суюқ дориларнинг қуёш тиғи куйдираётган паллада очиқ жойда сотилганлиги ғалати. Яхшиям текширувчилар бор. Агар шу инсонлар келиб тирикчиликни «тирриқчилик»ка айлантираётган ноинсоф дори сотувчиларни қувиб солмаганида борми...

Хуллас, мўмай даромад кетидан қуваётган нопок кимсаларга яратгандан инсоф тилаб уйга қайтдик.

## ШУ ҲАМ ИНСОФДАНМИ?

Кейинги йилларда шаҳримиз кўчалари, хиёбонларини тоза ва саришта тутишга катта аҳамият бериляпти. Зеро, тозалик ҳам маданиятнинг бир белгиси. Шу боисми Тошкентимиз кўчаларини айланган кишининг баҳри-дили очилади.

Ҳамон айрим маҳаллаларда, кўчаларда маиший чиқиндилар махсус идишларга ташланмай, уюлиб, ўзидан бадбўй, қўланса ҳид чиқариб ётганига баъзи ҳолларда гувоҳ бўлиб қолаяпмиз.

Тунов куни қўшни маҳаллага зарур юмуш билан боришга тўғри келди. Ачинарлиси, қадрдоним Меливой яшайдиган кўчага бурилганимда ғалати манзаранинг гувоҳига айландим. Ўттиз беш-қирқ ёшлар атрофидаги оқ-сариқдан келган бир йигит ўз уйи тўғрисидаги кўча ўртасига турли хил шох-шаббаларни, ҳар хил маиший чиқиндиларни тўплаб ёқиб юборди. Ҳавога бир аччиқ, бир бадбўй ис кўтарилди. Ғалати аҳволга тушдиму йигитнинг ёнига бордим.

— Ҳорманг, йигит, — дедим.

— Бор бўлинг, отахон. Ассалому алайкум.

— Шу қилаётган ишингиз тўғрими?

У аввал бироз ҳайрон бўлди. Ва менга юзланиб.

— Хўш, отахон, биздан қандай гуноҳ ўтди?

— Бу хас-хашакларни, ўтинлару чиқиндиларни махсус ахлат қутисига ташлаш мумкинку, бўтам. Сиз эса экологияни бузиб, ҳавони булғатиб қанчадан-қанча маҳалладошларингиз соғлиғига зарар келтиряпсиз.

Йигит менга ялт этиб қаради-ю, қовоғини уйиб,

— Хўш нима қилай. «Махсустранс» машинаси бир ҳафтада бир марта келади. Махсус қути эса анча узоқда. Ҳозир лов этиб ёнади, кейин ўчади. Шуни муаммо қилиш шартми отахон?

Бу йигитга гапириш бефойда эканлигини ҳис қилдиму йўлимда давом этдим. Фақат каминани бошқа нарса ҳайратга солди. Ҳар куни телевизорда, радиода, газеталарда табиатни асраб-авайлаш, экологиянинг софлигига риоя қилиш ҳақида кўп гапирилади, мақолалар тайёрланади. Аммо, «мен сенга тегмайман, сен ҳам менга тегма» қабилида иш тутамиз. Атроф-муҳит озодалигига эътибор бермаётган ҳалиги йигитга ўхшаганларга танбеҳ бермаймиз. Лоқайдлик қиламиз. Айтингчи, азизлар шу ҳам инсофданми?

## ЯХШИ СЎЗ ЖОН ОЗИҒИ

Яхши сўз дилларни яйратади. Ёмон сўз эса...

Келинг, воқеани сўзлаб берақолай. 97-автобусда кетяпман. Пешин маҳали автобусда одам сийрак. Қотмадан келган чиптачи аёлнинг негадир қовоғи солинган, дам-бадам ёнимизга келиб йўл ҳақини сўрайди. Кўпчиликда бир ойлик йўл чиптаси бўлганлиги нима учундир чиптачига ёқмаётгандек туюлади.

«Шаҳристон» бекатида автобусга 65 ёшларни қоралаган аёл киши чиқди ва бўш ўриндиққа бориб ўтирди. Нафасини ростлаб олмасиданоқ, ёнига чиптачи келди.

— Йўл ҳақини тўлаб қўйинг.

— Хўп бўлади қизим, —йўловчи аёл кармонини очиб унга пул узатди. Пулни санаб кўрган чиптачи:

— Ўн сўм кам бердингиз, — деди.

Аёл бироз ноқулай аҳволга тушди-да, чиптачига юзланди.

— Қизим, нафақамни олгани почта бўлимига кетяпман. Ишонасизми, сизга ҳозир бор пулимни узатдим. Кейинги сафар тўлаб юбораман.

Аниқ ва лўнда қилиб айтилган бу жавоб нима учундир чиптачининг жаҳлини чиқариб юборди.

— Доим шунақа. Автобусга чиққанда ё ўн сўм кам беришади ёки йигирма сўм кам узатишади-да, турли баҳоналарни қилишади. Пулни тўлаб қўйинг ёки автобусдан тушинг. Гап тамом-вассалом, — деди чиптачи жаҳл билан. Йўловчи ноқулай аҳволда қолди. Энг ёмони чиптачининг қўпол муомаласи кекса аёлнинг кўнглини вайрон қилди. У йиғлаб юборди. Тўғри, аслида ўн сўм кам берганига йўловчини айбдор деб санаш ўринлидир. Лекин, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Албатта йўловчилардан бири чиптачини чақириб ўн сўмни тўлаб юборди ва муаммони бартараф этди.

Аммо, бизни бир ҳолат ҳайрон қолдиради. Негадир кейинги вақтларда айрим одамларда бир-бирига ўзаро ҳурмат йўқолиб бораётгандек, ўртадан оқибат кўтарилаётгандек. Шу арзимаган ўн сўмни деб чиптачи йўловчига қўпол муомала қилиши шартмиди. Ахир «сен» деган сўз ҳам, «сиз» деган калом ҳам бир оғиздан чиқадику.

# Мунажжим башорати

**30 ИЮЛЬ, ШАНБА**

**Кечаги кунни қандай ўтказганингизга қараб, сиз бугун ё ўзингизни ғолиб сезиб, янги куч-ғайрат билан янги ҳаётингизни қура бошлайсиз, ёки суйган кишингиз ёҳуд моддий манфаатли иш жойингиздан айриласиз. Зуҳро юлдузи ва Уран сайёрасининг ўзаро зиддиятли ҳолати шундан далолат беради.**

Бундан ташқари шу ҳолат, мунажжимлар таъбирича, астрологияда дўстлик муносабатларини кескин қайта кўриб чиқиш ҳамда молиявий соҳада муаммолар пайдо бўлишини англатади. Лекин ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, янги қарзларга ботишдан сақланиб, турли баҳоналар билан муаммоларни ҳал этишни Меркурий самода тескари ҳаракатини тўхтатиб, олдинга юра бошлайдиган вақтгача чўзиш керак (бу 16 августда рўй беради). Акс ҳолда сиз ҳар турли қарз мажбуриятлари остида қолиб кетасиз.

Лекин бугун қурилишни бошлаш, пойдеворга ғишт қўйишнинг айни пайти. Фақат бирон режани тузиб ўтирманг, бугун эркин ҳаракат куни, ички туйғуларингиз бошлаган йўлга юриладиган кун. Табиат билан мулоқот учун ҳам бугун ажойиб кун ва шунинг учун ҳам турли сафарлар, саёҳатлар самарали бўлади.

Тушларга бу кеча унча эътибор берилмайди. Лекин тушда оқликни кўриш кўзга кўринмайдиган ҳимоя белгисидир.

**БУГУН:**

—экскурсия ва сафарларга бориш ;

—катта касб маҳорати талаб қилинмайдиган ишлар билан шуғулланиш;

—ўқиш, ўзингизни қизиқтирган масалаларни ўрганиш, адабиётлар устида ишлаш;

—агар ишласангиз – дам олиб-дам олиб ишланг, чой ичиб, хизматдошлар билан чақ-чақлашишга вақт топиш ;

—вазиятга қараб иш тутиш;

—агар бирон ишингиз юришмаса – уни ташлаб, бошқа бир машғулотни топиш тавсия этилади.

Янги ишга киришиш, олижанобликни кейинги кунга қолдиринг.

**31 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА**

**Ҳа, мунажжимлар бугун ҳам турли сафарлар, саёҳатлар омадли бўлади, дейишади. Ой сайёрасининг Эгизаклар буржида бўлиши кўпчилик кишиларни одатдагидан сермулозамат ва ҳамма билан "тил топишадиган" қилиб қўяркан. Сафарлар ва саёҳатлар, ахборотлар билан ишлаш енгил ҳамда осон кўчади.**

Қуёш тақвимининг 13-куни ҳам бу якшанба сайёҳлар ва жаҳонгашталарга хайрихоҳ бўлишини билдиради. Шу билан бирга, ҳар қандай қўл меҳнати, тартиб ва тозаликни тиклаш, нокерак эски нарсалардан халос бўлиш фойдали ҳисобланади.

Бугун тақдирнинг ҳар хил аломатларига эътибор қилиш, ҳар қандай майда-чуйдаларни кўздан қочирмаслик керак. Нарсаларнинг синиши, бирон-бир жароҳат, ипнинг узилиши ёки мунчоқларнинг сочилиб кетиши нохушликлардан дарак бериши мумкин. Тасодифан сепилган сувдан шалаббо бўлиш ёки ёмғир остида қолиш ёрдам ва ҳимояга эга бўлишингизни билдиради.

Асаб тизими ва нафас йўллари бугун заифлашган бўлади. Эҳтирослар мувозанатдан чиқариши, хотиранинг бузилиши эҳтимоли бор.

**ЯКШАНБАДА:**

—ўзингизни уринтирмай, одатий ишлар билан шуғулланинг;

—тушкунликка тушмай, беозор ҳазил-ҳузул, аскиялар билан кайфиятингизни кўтаринг;

—оғир лаҳзаларда кўмак сўраб дўстларингиз, таниш-билишларингиз, фарзандларингизга мурожаат этинг;

—кўпроқ уддабуронликка интилинг.

Жиддий ҳаракатлардан тийилинг, чунки фаоллигингиз йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин. Обрўйингизга путур етказадиган ишлардан қочинг. Саломатлигингизни (айниқса жигар ва ўпкангиз хаста бўлган ҳолларда) хавф остида қолдирманг.

**1 АВГУСТ, ДУШАНБА**

**Мунажжимлар таъкидлашича, бугун сизни яхши янгиликлар, хушхабарлар, ажойиб истиқболлар ва қувончли воқеалар кутади. Аммо булар ўз-ўзидан келмайди. Яъни омадингиз ўзингизнинг ҳаракатларингизга боғлиқ. Мунажжим С.Ильичёв ҳам шу фикрни тўлдириб, шундай ёзади: «Бугунги кун энг сирли кунлардан бири бўлиб, у хазиналарни очади, тақдир туҳфаларини ҳадя этади - лекин буларнинг ҳаммаси фақат уддабурон, ўз ишига пухта, меҳнат қилишни биладиган ва уни севадиган кишиларгагина насиб этади».**

Яна мунажжимлар фикрича, бугун мулк ҳақида, уни кўпайтириш, равнақ топтириш тўғрисида қайғуриладиган кун экан. Шу куни ерга ишлов бериш, тош йўниш, унга пардоз бериш билан шуғулланиш самарали бўлади.

Бугун ота-оналар билан мулоқотда бўлиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, болаларга эътиборли бўлиш омадингиз юришишига қўшимча туртки бўлади. Автомобиль билан муносабатда эҳтиёткорроқ бўлинг - у тезда ўт олмаса, сафарингизни бошқа вақтга қолдиринг.

Калит ёки майда пулни йўқотиш бугун нохушлик аломати ҳисобланади. Мабодо, бугун қаердандир қўлингизга пул тушса - бу сизга келажак ёрдам ва ҳомийликдан даракдир.

**ДУШАНБАДА:**

—тер тўкиб меҳнат қилинг: ҳар қандай иш муваффақиятли бўлади;

—китоблар, мебель, аудио-видео техника, рўзғорга керакли бошқа майда-чуйдаларни харид қилинг;

—танишларингиз доирасини кенгайтиринг;

—балиқ овига боринг, сафарларга чиқинг;

—давлат муассасалари, туристик агентликлар ходимлари билан мулоқотда бўлинг;

—иродангизни чиниқтиринг, характерингизни намоён этинг.

Спортнинг экстремал турлари билан шуғулланиш, ўз кучингизга ишонмасликдан сақланинг.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609. 1 2 3 4 · 6